

## Янги автосалон


«ЎЗДЭУавто» кўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган автомобиллар нафақат юртимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам йилдан-йил хариддориги бўлиб борапти. Автомобилларга бўлган талабнинг ошириб бораётгани туфайли кўшма корхона хорижий давлатларда ҳам янги-янги автосалонлар ташкил этмоқда.



⇒ 2-бет

## 25 минг долларлик уяли телефон

Дунёдаги энг йирик уяли алоқа компанияси саналган Nokia корхонаси «Fengari» деб номланган янги телефон ишлаб чиқарди. Аини пайтда Париж, Лондон, Сингапур, Гонконг каби йирик молия марказларида сотила бошлаган мазкур кўл телефони баҳоси 25 минг АҚШ долларини ташкил этади.



⇒ 3-бет

## Давомийлик

Мунаққиднинг Абдулла Қаҳҳор ижодини яхши биладиган, уни устоз деб чуқур қадрлайдиган ёзувчилардан Пиримкул Қодиров ва Шукр Холмиров билан суҳбатлари ҳам жонли, мазмундор чиққан. «Адибнинг бир пой галоши», «Эхтиром», «Васият» бобларида мунаққид моҳир ҳикоянавис, эхтиросли публицист сифатида намоён бўлади...



⇒ 4-бет



Mustaqil gazeta

# HURRIYAT

O'zingni angla!

№ 41 (552)

2007-йил

3-oktabr

Газетамизга  
2008 йил учун  
обуна бошланди.

Муштарийларимиз  
сафида бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 233.

1996-йил dekabr dan chiqa boshlagan ⇒ Chorshanba kunlari chiqadi ⇒ E-mail: hurriyat@mail.ru ⇒ http://www.hurriyat.uz

Нигоҳ

## Соғлом миллатнинг келажаги буюқдир

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигига ғамхўрлик бош мақсад қилиб қўйилган

ЮРТИМИЗДА мустақиллик йиллари соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган ислохотлар туфайли соҳада аҳвол тубдан ўзгарди. «Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистонда тиббий хизмат кўрсатиш тизими амалда тўлиқ қайта кўриб чиқилди», дейилади Президентимизнинг шу йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг кўшма мажлисидаги «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» маърузасида.

Умуман, 1998 йилда қабул қилинган соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастурининг энг муҳим қондалари ва мақсадли вазифалари муваффақиятли амалга оширилгани қайд этилди. Шу билан бирга замонавий талаблардан келиб чиқиб, соғлиқни сақлаш соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш, энг сўнгги мезонлардаги ташкилий тузилмани шакллантириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самардорлиги ва сифатини ошириш, шунингдек, тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида шу йил 19 сентябрда «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Фармони қабул қилди. Бу ҳужжатлар мамлакатимизда аҳоли соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилиш устувор вазифалардан эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

### Энг катта бойлик


Халқимизда «Соғлиқ — туман бойлик» деган нақл бор. Эҳтимол, одамзот бутун ақли, тажрибасини жамлаб, шу қисқа хулосага эришгандир: кимдир мол-давлат йиққан, бошқаси — шохона қаср курган, қудрати етганлари мамлакатларни босиб олган ва ҳаммаси ўз вақтида ўзини бой, деб ҳисоблаган. Бир кун келиб, бу зоҳирий ва моддий неъматлар қўлдан кетган, киши қўл ва оёқ билан қолган, уларнинг кўмағида тирикчилигини кечирган. Агар вужуди панд бермаса, оғриб-сиқтаб турмаса, дунё кўзига кенг кўринган, ҳатто қўйналганда фарзандлари, жигаргўшалари ҳам кўмак бера олмаслигини тушуниб

етган банди оғир охирида шундай хулосага келган бўлса, ажаб эмас. Ҳа, соғлиқ — тетиклик, куч-ғайрат, ҳаётга муҳаббат ва бошқа жами ғўзалликларнинг дебчасидир. Бахт ҳам, омад ҳам, қувонч ҳам — соғлиқдан.

Бу оддий ҳаёт фалсафаси неча минг йиллардан буён ҳаракатда бўлса-да, инсоният ҳар бир одамнинг ўз соғлиғи ҳақида ўзи қайғуриш даражасидаги маданиятга эришгани йўқ: ҳар доим ҳам, ҳамма ҳам ҳеч бўлмаганда йилида бир марта шифокорга учраб, ўз вужудининг аҳоли билан қизиқвермайди, ўзига ўзи ғамхўрлик қилавермайди. Худди шунингдек, тарих саҳифаларида давлатлар учун мамлакат аҳолисининг соғлиғи ҳақида қайғуриш доим умумий миллий масалалар қаторида туравермагани қайд этилган. Мисол излаб узоққа бориш шарт эмас. Локал ўтган асрнинг 90-йилларидаги аҳволни кўз олдимизга келтирайлик.

### Нохуш мерос

Шу ўринда вазиятни тўлароқ тасаввур этиш учун ортагачекиниб, тоталитар тузум қолдирган асоратларни ёдга олиш ўринли бўлади. Пахта яккахокимлиги исканжасида қолган юртимиз фақат иқтисодиётда эмас, ижтимоий соҳада, жумладан, соғлиқни сақлаш борасида оғир бўҳронни бошдан кечирди. Бутифос ва бошқа захарли химикатлар пахта далаларига аёвсиз пуркалар, бундан эса атроф-теварак захар-зақумга тўлган эди. Бундай захриқот муҳит жами тирик жонзотга, демакки, одамларга ҳам оғир асоратлар қолдирганди. Касалхоналар беморларга лик тўлган, сихаттоҳларда эса шароит ҳамин-қадар, даво излаб келганлар аянчли азобни бошдан кечирашарди. Айниқса, бундан ёш болалар қаттиқ азоб чеккан, юқумли касалликлар



Пойтахтимиздаги Учтепа туманида жойлашган 8-оилавий шифохона бош врачлари Мунира Шахобова раҳбарлигидаги саломатлик посбонлари 32300 нафарга яқин аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Суратда: шифокорлар (чапдан) Дилфуза Собирова, Дилором Саматова ҳамда Вазира Абдураимова. Косим УЛМАСОВ олган сурат.

шифохонасида ўрин етишмасди. Муболага эмаски, ўшанда сариқ билан оғримаган киши кам қолган, деярли ҳар бир хонадонда бундай беморларни учратиш мумкин эди. Бу ҳақда собиқ «марказ»дагилар бош қотиришмас, аксинча, яна ҳам кўпроқ «оқ олтин»ни ҳазинага топширишга зугум қилишарди. Ўша кунларнинг жонли гувоҳлари — табобат ходимлари эндиликда бу манзараларни оғир тушдек эсласалар ажаб эмас. Аёлларнинг аксарияти камқонлик касалига чалинган, болалар заиф ва касалманд туғиларди. Бундай шароит ҳамма учун оғир эди ва давлатимиз мустақилликнинг дастлабки кунлариданок кескин чоралар кўриб, вазиятни ўнлашга қўл урди.

### Соғлом муносабат

Не бахтки, жонанон юртимиз Ўзбекистонда мустақилликнинг ilk қадамлариданок «Соғлом авлод учун» халқаро нодавлат хайрия жамғармасининг вужудга келиши (1993 йил 23 апрель) эзгуликнинг нишонаси эди. Ниҳоят, мамлакатимиз-

да биринчи ордон таъсис этилди ва у ҳам «Соғлом авлод учун» деб аталди. Соҳани ривожлантириш доимий эътиборда бўлди. Ижобий ўзгаришлар аста-секин кўзга ташланмоқда эди. Ҳатто ташхис ёзадиган қоғозга муҳтож бўлган тиббиёт бўлимларида замонавий ускуналар пайдо бўла бошлади, дори-дармонлар кўпайди, ночор бинолар таъмирланиб, эпакга келтирилди. Тадбирларнинг узвий давоми сифатида 1998 йилда Юртобшмиизнинг Фармони билан соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишнинг 1999-2005 йилларга бўлжалланган Давлат дастури қабул қилиниши ислохотларнинг боришида туб бурилиш ясади. Мамлакат стратегик тараққиёти билан уйғун равишда ишлаб чиқилган бу ҳужжатда тиббий хизматнинг миллий моделини босқичма-босқич шакллантириб бориш вазифаси қўйилган ҳамда уни урдалашнинг устувор йўналишлари изчил ва аниқ баён қилинган эди. Мақсадга эришиш учун қўлдаги барча имкониятлар сақлаб қолдирилди, ниёти холис халқаро таш-

килотлар ҳамкорликка қақирилди. Натихада, дастур талаблари асосида аҳолига юқори малакали бепул шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ягона тизим яратилди. Бу тизим туман ва шаҳарларда энг юқори талаблар ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган вилоят шифохоналари ва 173 та бўлимлардан ҳамма тез тиббий ёрдам хизматларидан иборат бўлиб, уларнинг фаолияти республика шошилиш тиббий ёрдам маркази томонидан мувофиқлаштирилади. Республикаимиз ҳукумати томонидан кўрилган чора-тадбирлар туфайли 2006 йилда соҳа врачларидан 400 нафари ўз малакаларини ошириди, кўпчилиги Россия, Германия, Буюк Британия, Туркия, Ҳиндистон, Миср Араб Республикасида тажриба алмашиб қайтдилар. 400 нафар ҳамширалар эса Исроил давлатида таълим ва амалиётда бўлдилар.

↓ Давоми 2-бетда.

Тафсилот

## Медиафорум

унда ютуқлар тилга олинди, вазифалар белгиланди, таклифлар билдирилди

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкил қилинган медиафорум «Интерконтинентал» меҳмонхонаси мажлислар залида иш бошлагани ҳамда унинг биринчи иш кўни ҳақида газетамизнинг ўтган сонидан хабар берган эдик. Медиафорум 26, 27 сентябрь кунлари ҳам ўз ишини давом эттирди. Иккинчи иш кўнида «Мамлакат босма ОАВ фаолиятида замонавий ахборот коммуникация технологияларининг аҳамияти ва интернет-ресурсларни ривожлантириш омиллари» маърузида конференция ўтказилди.



нафар фуқаро ҳисобига 69 фойдаланувчи тўғри келмоқда. 2007 йил 1 июль ҳолати бўйича, асосий телефонлар сони 1 млн. 785,9 минг донани, уяли алоқа абонентларининг сони 3 млн. 620 мингтани ташкил этди. Ҳозирги кунда уяли алоқа абонентлари 4 млн. 200 мингдан ошиб кетди. Қўриқиб турибдики, технология тараққиёти илгариланган сари шахсий ахборот алмашиш жараёни ҳам қизғинлашиб бормоқда. Шундай бўлса-да, жамият ахборот муҳитини оммавий ахборот майдонисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бугун юртимизда 972 та оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатмоқда.

↓ Давоми 2-бетда.

## Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» самолётларида тарқатилади



## «Мутолаа байрами — 2007»

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Мутолаа байрами — 2007» китобхонлик ўн кунлиги бўлиб ўтди. Эътироф этиш керакки, китобхонларнинг семимли ва қадрдон масканига айланган Миллий кутубхона-жамоаси кейинги пайтда китоб ва китобхонлик ташвиқотига катта аҳамият бермоқда. Деярли ҳар hafta бу даргоҳда бирор хайрли тадбир ўтказилаётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Ўшанда китобга меҳр уйғотиш, уларни нашриёт

ва матбаа ижод уйларида чоп этилаётган янги нашрлар билан таништириш бундай тадбирларнинг, шу жумладан, мазкур мутолаа байрамининг асосий мақсади бўлди. Тадбир доирасида «Китоб: асрлар оша — абдиёт сари» шиори билан бир қанча янги китоблар тақдими ўтказилди. Муҳаммадали Саидов ва бир гуруҳ олимлар томонидан нашрга тайёрланган «Ижтимоий ҳимоя. Атамалар изоҳли луғати», Ўзбекистон мусулмонлари идора-

си раиси, муфтий Усмонхон Алимов нашрга тайёрлаган «Имом ал-Бухорий баракоти» ва адабиётшуно олимлар Ҳамиджон Хомидий ҳамда Маҳмуджон Маъмуровларнинг «Наманган адиблари» китобларининг тақдими ҳам шулар жумласидан. Айниқса, «Амир Темура» Халқаро жамғармаси раиси, халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти совриндори Муҳаммад Алининг «Улуғ салтанат» асари тақдими тадбир иштирокчиларини бефарқ қолдирмади. Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 5300 нафар немис тили ўқитувчиси фаолият юритиб келмоқда. Улар орасидан Ноила Тукшайтова ана шундай нуфузли мукофотга сазовор бўлгани мамлакатимиз таълим тизимидаги ислохотларнинг халқаро миқёсдаги эътирофи ҳамдир.

С. САЛИМ

Тақдимот

Нагима АЛИЕВА



# Одамлар қалбига йўл

Хамкасб



Солияжон илк мартаба тахририятга жуда тортинчоқлик билан кириб келди. Унинг бу ерга келишига сабаб мактаб ҳаётига бағишлаб ёзган ҳажжигина мақоласи эди. Бу мақола билан у 1968 йил республикада бўлиб ўтган ёш мухбирлар танловига иштирок этиб, «Артек»ка, яъни халқаро болалар оромгоҳига йўлланма олди. У ерга Мухаммад Юсуф, Ҳадича Рамазонава каби бўлғуси ижодкорлар ҳам боришган эди. Хуллас, мактаб, ўқувчилар фаолиятига дахлдор воқеаларни тез-тез қозоғга тушириб, устозларга кўрсатар, уларнинг маслаҳатларига эринмасдан қулоқ соларди. Ижодга меҳри баланд қалбида ўсиш, юксалиш, ўқиб-ўрганиш фикрлари мустаҳкам ўрин олди.

билан ёнма-ён ишлаган даврларини бугун у алоҳида меҳр ва ҳурмат ила эслайди. Шунинг учун «Хоразм ҳақиқати» тахририяти менга жуда-жуда қадрдон», дегани бежиз эмас. — Уша йилларда ҳам жамоамизда устоз-шогирд мактаби яратилган эди, — дея эслайди Солияжон Раҳимберганава, — тахририятда кундалик меҳнат интизомига қатъий риоя этиш, ҳар бир топшириққа масъулият билан муносабатда бўлиш, мақолаларнинг сифатли ва ўқимишли бўлиши учун астойдил ҳаракат, масъулият кучли бўларди. Устознинг «Дилни хижил қилаётган кўшиқлар ёки халфачиликдаги муаммолар», «Картошка нега аччиқ?», «Уй-жой ширкатлар: тахриба, муаммо, таклифлар», «Тўйлар ҳақида ўйлар», «Оила — бу Ватандир», «Хотин-қизлар кенгашларида», «Маҳалла — қадрдон маскан» каби лавҳа, очерк ва публицистик мақолалари ўз ўқувчиларини топган.

Солияжон Раҳимберганава Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими масъул котиби сифатида ҳам катта ташкилотчилик ишларини олиб бормоқда. Оммавий ахборот воситаларида чоп этилаётган мақолаларнинг сифат, телевидение кўрсатувлари, радиозашиттиришларнинг таъсирчан бўлишига оид семинар-тренинглари мунтазам ташкил қилмоқда. Газета саҳифаларидаги турли соҳаларга доир мақо-

лалари, радио ва телевидениедаги журналистик чиқишлари кўпчиликка маълум. Одамлар қалбига баҳоли қудрат йўл топа олаётган журналистнинг машаққатли меҳнатларини ижодкорлар яхши тушунишади. — Вилотимизда амалга оширилган ишларнинг барча қисмларини мен ҳам иштирокчи бўламан, турли миллат, турфа касбдаги кишилар билан суҳбатлашаман. Олиму дехқон, раҳбару ишчи, уйда ўтирган бека. Англаймани, зиёли, илмга чанқок, меҳнатсевар киши нурли ўйлар билан яшайди ҳамда ўз ҳаётини бошқаларга ибрат қилиб кўрсата олади.

Аёл оналик бахти билан ҳам ўз ҳаётини бекаму кўст ҳис қилади. Устозни меҳрибон она сифатидаги дарёдиллиги, барча болаларни ўз боласидек алқаш, меҳр-муҳаббатини изҳор эта олиши унинг нақадар болажонлигидан дарак беради. Ўғли, кўзmunчоғи Отахон унинг ҳаётида ҳам катта ташкилотчилик бўлмайдиган оналик бахтини берганини у ҳамisha бот-бот такрорлайверади ва Аллоҳга беадд шукрларини изҳор қилади.

Хуллас, у журналистикадек оғир, лекин шарафли соҳада ўз бахтини, тўғрироғи, умр мазмунини топди.

Дилбар БЕКЖОНОВА

Дараклар

## British Airways 36 та янги самолёт сотиб олмоқчи

British Airways компанияси Boeing ҳамда Airbus концернлари билан янги самолётлар сотиб олиш бўйича шартнома имзолади. Бунга кўра, инглиз компанияси 12 донга Airbus A380 ва 24 донга Boeing 787 Dreamliner самолётларини харид қилади. Британия авиакониясининг маълум қилишича, янги самолётлар 34

та эскирган лайнерлар ўрнига фойдаланишга топширилади. Шартномага мувофиқ, авиалайнерларни етказиш 2010 йилда бошланиб, 2014 йилда якунланади.

Bloomberg ахборот агентлигига кўра, мазкур битим миқдори 8,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

Харид қилинаётган А 380 ва В 787 само-



лётлари инглиз авиакониясига эскирган транспортларни янгилаш билан бирга ёнилгини тежаш имконини ҳам беради.

## Ноқонуний мигрантлар собиқ бош вазир хизматидан фойдаланишди

Инглиз полицияси тўрт нафар муҳожирни чегарани ноқонуний кесиб ўтиш айби билан ҳибсга олди. Мазкур воқеанинг шов-шувларга сабаб бўлган жиҳати шундаки, мигрантлар Буюк Британия собиқ бош вазир Тони Блэрга аталган янги автомобилни олиб келаятган юк машинасида чегарадан ўтишган.

Собиқ ҳукумат бошлиғига тегишли автомобиль Лондонга келтирилган, текшириш учун тўғри полиция участкасига келти-

рилган. Текширув пайтида кутилмаганда автомобиль ортлган юк машинасида тўрт нафар мигрант сақраб тушиб қочишга уринган. Полиция уларни зудлик билан қўлга олган.

Аниқланишича, асли хиндистонлик бўлган мигрантлар ҳайдовчи ёқилга куйиш учун Францияда тўхтаган пайтда юк машинасига яширинча чиқиб олишган.

Собиқ бош вазир Буюртмаси билан Германиянинг Мюнхен шаҳридан келтирилган BMW 7 автомобиль 200 миң АҚШ долларидан зиёдрок тура-




ди. Хавфсизлик мақсадида машина ўқ ўтмас ойна ва махсус шиналар билан жиҳозланган эди. Бироқ шунча саяҳатларга қарамастан мигрантлар билан боғлиқ ҳодиса туфайли Тони Блэр янги машинадан воз кечди. BMW 7 Германияга қайтарилди.

Тўғри, қариндошлари орасида ҳар хил қарашлар бўлди. Ушанда баъзилар: «Қиз болага журналист бўлишни ким қўйибди, эртага турмушга чиқса, ким унинг қўлига қоғоз ва қалам тутказиб қўярди», деган таъналар айтишди. Бироқ, Сафо аканинг қизига бўлган ишончини ҳеч ким синдирилмади. Илгор фикрли бу инсон қариндошларнинг, қўни-қўшиларнинг гап-сўзларига унчалик аҳамият бериб ўтирмади. Мактабни имтиёзли тамомлагач, қувончдан «қуш бўлиб» Тошкентга жўнади, имтиҳонларни муваффақиятли топширди.

Сафо ака қизи ўқини тугатиб келишини интизорлик билан кутиб, унга катта умид боғлади. Ва, мана, 31 йилдирки, С. Раҳимберганава

«Хоразм ҳақиқати» газетаси даргоҳида меҳнат қилмоқда.

«Хоразм ҳақиқати» ва «Хорезмская правда» газеталарининг бош муҳаррири ўринбосари Солияжон Раҳимберганава бугун ҳам «Журналист адолатли ва виждонли бўлмоғи шарт» деган эзгу мақсад билан ижод қилмоқда. У ёшларни, шогирдларини, ҳамкасбларини доимо шунга даъват этади. Зеро, адолат мезонларига амал қилишни таъминлашда нафақат давлат қонунлари, балки журналистика ўзига хос муҳим роль ўйнайди. Жанговарлик ва ҳақиқатни ёзишни С. Раҳимберганава ўз ўрнида устозлари Оғам Раҳим, Эркин Самандаров, Отамурод Авазмуродов сингари таниқли ёзувчи, шоир ва журналистлардан кўп ўрганди. Улар



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

барча ўқитувчи ва мураббийларни касб байрамлари билан қутлайди. Оилавий фаровонлик, мустаҳкам соғлиқ, ишларингизда омад ва муваффақиятлар ёр бўлсин!

Ўзбекистон Миллий банки — биз билан буюк келажак сари!



Ибрат

## Ҳам фермер, ҳам Бувиой

Маргилонда ҳам, унга ёндош туманларда ҳам бу аёлни кўпчилик танийди. Негаки, мўтабар ёшга етиб қолганларига қарамай, сарҳарат, тиним билмас Дилором Аҳмедованинг ҳақиқат қилинаётган эл дуоси ва ота-оналарнинг ҳақиқат мустақил ҳаётга эндигина қадам бошининг, айниқса, мустақил ҳаётга эндигина қадам бошининг йигит-қизларнинг миннатдорлик дил изҳорига қанчадан-қанча ҳажжи болакайлар кўз қароғирию даги меҳр шўъласига ҳаммасини ўзининг ҳалол ва захматли меҳнатидан топди. Шунинг ўзи умрининг беҳуда кечмаётганидан шаҳодат эмасми, шунинг ўзи аслида инсоний бахт эмасми?!



Дилором ая ўғлига яна ақл бўлди: — Саховатли бўл. Худо бирингга ўрни беради. «Ижтимоий ҳимоя йили»да Улуғбек ва Мамлакатхон исмли икки ёшнинг тўй ҳаражатларини ўз зиммаларига олишди. Уз дадалари номи билан аталувчи Ўрмон Аҳмедов кўчасида яшовчи камҳарж бир оиланинг иккита ўғилчасига суннат тўйи қилиб беришди. Шаҳардаги Меҳрибонлик уйига ёҳуд бахт уйи қурилишига хомийлик дейсизми, айрим кам тавминланган оилаларга ёҳуд ижтимоий ҳимояга муҳтож ногиронлару боқувчисини йўқотган кекса инсонларга, ишчилик, лозим бўлган жой борки, ҳиммат қўлларини дариг тутмай келишаётир. — Онамиз таълим-тарбия бобидагина эмас, биз учун деҳқ-

ончиликда ҳам чинакам мураббийдир, — деб ҳикоя қилади Азизбек. — Улар учун бўш вақт деган нарсанинг ўзи йўқ. Кечалари экинларга сув тарашда дейсизми, айниқса, шанба-якшанба кунлари култивация, ўсимликларни дорилаш ва озик-лантириш, ўрим-терим каби барча юмушларда ўзлари бошқош. Омилкор деҳқонлардек иш тутадилар. Қалби пок, иш пок, бир бутун мунавар оламнинг ўз сийратига жо этолган бундай инсонлар одатда армонсиз бўладилар, улар ўз қалбларини одамларга бўлиб-бўлиб улашиб, кейин юраклардан юракларга кўчиб яшайверадилар, дейишади. Илоҳо, шундай бўлсин.

С. ҚАҲҚОРОВ, «Hurriyat» мухбири

## Сурункали парвоз саломатлик учун хавфли...ми?

Тўрт соатдан ошиб вақт давом этадиган мунтазам авиопарвозлар контомир касалликларини келтириб чиқариши мумкин. Бир неча йил давом этган тадқиқотлардан кейин голланд олимлари ана шундай хулосага келишди. Мазкур тадқиқот давомида самолёт хизматидан мунтазам фойдаланганда тўққиз миңга яқин одам ҳолати тўрт йил давомида кузатиб борилган.



Иштирокчиларнинг ўртача ёши 40 ни ташкил қилган кузатувлар жараёнида 53 та касаллик ҳолати аниқланди. Шу тариха қон-томир касаллиги хавфи ҳар миңга кишига 3,2 тани ташкил қилди.

Олимларнинг хулосасига кўра, парвозлар пайтида қон-томир хас-

талиги келиб чиқиши турли ҳолатда кечиши мумкин. Бу инсонларнинг ёши, жисмоний ҳолатига ҳам боғлиқ. Масалан, вазни оғир ёки ёши 30 дан кичик бўлган кишиларда касалликка чалиниш ҳолати кўпроқ кузатилади.

Эслатиб ўтамиз, голланд олимлари томонидан илгари сурилган фикрлар мунтазам равишда амалга ошириладиган парвозларга тааллуқли ва бу қарашни қаммага ҳам бирдай татбиқ этиб бўлмайди.

## Жаҳон банкининг тадқиқоти

Жаҳон банки дунё мамлакатларида тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш ҳолати бўйича ҳисобот эълон қилди. 180 га яқин давлатдаги вазият таҳлил қилинган ҳужжатни тайёрлаш учун соҳанинг етакчи мутахассислари бир неча ой давомида иш олиб боришди. Тадқиқот жараёнида дунё мамлакатларида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш шарт-шароитлари, бу борадаги миллий қонунчилик талаблари инobatта олинган.

Жаҳон банки ҳисоботида Сингапур шаҳар-давлати дунё миқёсида тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш борасидаги энг қулай ҳудуд сифатида эътироф этилган. Янги Зеландия эса бу борада иккинчи ўринда қайд қилинган. Жаҳон банки ҳисоботида кейинги ўринларни Гонконг, Дания, Буюк Британия, Канада, Ирландия, Австралия, Исландия каби мамлакатлар эгаллаган. Тадқиқот натижаларидан кўринадики, Чад, Бурунди, Конго, Гвинея-Биссау, Мар-

казий Африка Республикаси каби бир қанча Африка давлатларида бизнесни йўлга қўйиш учун шарт-шароит оғирлигича қолмоқда. Абдул СОБИР тайёрлади.



Мутолаа

Бугунги ўзбек адабий танқидчилигининг пешқадам вакиллари...

Давомийлик

Дарҳақиқат, бу сўз санъаткорининг ҳаёти, ижоди, ёркин асарлари, нутқ ва суҳбатлари...



Умарали Норматов

илк бор иккинчи жаҳон уруши йилларида, ўспиринлик чоғида, Олтириқда ўз уйида учратган...

ҳамма ёзганлари шундоққина одамларнинг оғзидан олингандек...

Умарали ака университетдаги фаолияти давомида, турли адабий йиғинларда...

Мунаққиднинг Абдулла Қаҳҳор ижодини яхши биладиган, уни устоз деб...

Муаллиф Абдулла Қаҳҳор ҳақида тадқиқот ёзган олимларнинг ишлариغا, айниқса, устозлари Озод Шарофидинов...

Хуллас, Умарали Норматов "Устоз ибрати" китоби ижоди машҳур сўз санъаткори...

Сайди УМИРОВ, доцент.

Юрсанг, из қолдир

Андихон шаҳар халқ таълими бўлими мудири Ўқтамжон Охуннинг тавсияси билан халқ таълими бўлими мутахассиси Раҳнамо Тошматова...

"Семур" даргоҳига қадам босишингиз биланқоқ бу ерда аллақандай нафисликни, ёқимли ва дилни яшнатувчи илқ нафасни туясиз...

Мақтабгача таълимнинг етук мутахассиси Шоира Обидова мураббийлар ҳеҳрасидаги латифлик ва меҳр ёлқиниғача ёқимли.

Мақтабгача таълимнинг етук мутахассиси Шоира Обидова мураббийлар ҳеҳрасидаги латифлик ва меҳр ёлқиниғача ёқимли.

Мазкур болалар боғчасининг бутун Андихон бўйича ўзига хос устунлиги ва машҳур бўлган жиҳатиға тўхталамиз...

Иждодий гуруҳ етакчилари жамоа тарбиячиларининг ўзларида ташкил топган. Масалан, Гулнора Абдухалилова мусиқа раҳбари бўлса, Азиза Абдуллаева билан Муқаддас Ҳўжамбердиевалар балетмейстрликни, Оистахон Абдуллаева эса хореографликни ўзлаштиришган...

Энди эйтибор беринг: "Семур" болажонлари театр дастаси пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги саройида Янги йил муносабати билан "Президент арчаси" байрам дастурини, Мустақиллик майдонида ўтказилган Истиклол байрами тантаналарига иштирок этишдек юксак шарафга мушарраф бўлди...

Хозир эслаш ўринлими ё

Мақтабгача таълим муассасаларида



ўринсизми, бир воқеа ногоҳ ёдимга тушиб қолди: яқиндаги на кесароқ бир аёл менга арз ҳам қилди:

Қирқ йилдан бери бир боғча мудирасиман. Ишимизни ҳеч ким ёмон деган жойи йўқ. Лекин раҳнинг қўлиғул хунармандлари би-чиқ тикканлар.

Эши олтишлардан ўтган бўлса ҳамки, ўз ўрнини ташаббускор ва ғайратли, янгиликка интилувчи ёшларга бўшатиб беришни ҳали ҳаёлиға келтираётган бу аёлға ҳеч нима демадим. Ахир, фарзандларимиз тарбияси, уларнинг қамолидан ортиқ муқофот, мартаба борми бу дунёда?

Юрсанг, из қолдир, дейди до-нишманд халқимиз. Бу ўринда, биз бугун тилға олган тиниб-

тинчимас, болажонларимиз иқболи йўлида доимо елиб-югуриб, нималарнидир ўйлаб топишға, янгилик яратишға интиладиган ва, албатта, бу борада яхши самараларға эришаётган Шоира Обидова ҳамда унга қанот бўлиб турган сафдош мураббийлар беҳтиёр кўз олдимизда гавдаланади. Не бахтки, улар ва улардан-да эйтиборлироқ устоз-мураббийлар Андихонда кам эмас.

Шу чоқ беҳтиёр наздимизда фақат яхшиликларға, эзуликларға, заҳмат-машаққатнинг тотли нашидаларига омухта мунаввар бир олам жилоланади. Тасаввуримизда кўёш ҳар тонг ана шундай муътабар зотлар қўксидан бош кўтарди, оқшом эса боз яна ана шу бағирларға бош қўйиб, оромға чўмади.

Солиқ ҚАҲҲОР

Спорт оламида

«Челси» мураббий излапти

Футбол бўйича Голландия терма жамоаси бош мураббий Марко ван Бастен Лондоннинг «Челси» клубини бошқариш тўғрисида таклиф олди. Агар голландиялик мутахассис жамоасини ўзгартирадиган бўлса, яқиндагина истеъфога чиқарилган португалиялик Жозе Моуриньонинг ўрнида иш бошлаган исроиллик Аврам Грантдан бош мураббийликни қабул қилади, деб ёзади The Sun нашри.



қаторда ўтириб, «Манчестер Юнайтед» — «Челси» жамоалари ўйинини томоша қилганди.

Голландия терма жамоаси бош мураббийининг айтишича, унинг бу учрашувга ташрифининг «Челси»нинг таклифига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ван Бастен аслида ўйинға «Манчестер Юнайтед» клуби раҳбарлари томонидан таклиф қилинган экан. Норасмий хабарларға қараганда, яқин куларда у ўзининг Голландия терма жамоасида қолиш-қолмаслиғини маълум қилади.

Эслатиб ўтамиз, 2008 йилги Европа чемпионати саралаш баҳсларида муваффақиятли тўп сураётган голландияликлар Марко ван Бастен бош мураббийлиғида «С» гуруҳида 8 учрашудан 20 та очко жамғарган ҳолда Руминия терма жамоаси билан биргалиқда пешқадамлик қилмоқда.

Истанбулда ўтган УЕФА ижроқўм йиғилишида 2010 йилда Жанубий Африка Республикасида ўтказиладиган жаҳон чемпионати саралаш учрашувларига қачон қуръа ташланиши эълон қилинди.

УЕФАнинг қарори

Бунга қўра, қуръа ташлаш маросими шу йилнинг 25 ноябрь кўни Дурбан (ЖАР) шаҳрида ўтказилади. Аввал хабар қилингандек, Европанин 53 та терма жамоаси тўққиз гуруҳ (саккиз гуруҳда олтидан, биттасида бешта)га бўлинган ҳолда ҳал қилувчи босқичға чиқиш учун кураш олиб боради. Мусобақа низомиға мувофиқ, гуруҳ голлиблари жаҳон чемпионати финал босқичиға тўғридан тўғри йўл олса, яна тўртта йўланма соҳибни эса тўққиз гуруҳда қолган энг яхши натижаға эришган саккиз терма жамоа ўртасида ўтадиган учрашувлардан сўн анқиланади.

Шунингдек, йиғилишда 2008 йилда Швейцария ва Австрия давлатларида бўлиб ўтадиган Европа чемпионати финал босқичиға қуръа ташлаш мuddати ҳам маълум қилинди. Қўтаниннг энг қучли ўн олти терма жамоаси қатнашадиган мазкур нуфузли мусобақа иштирокчилари финал босқичидаги рақиблари номини 2 декабрь кўни билиб олишди. Чемпионат баҳсларига Люцерн (Швейцария)да қуръа ташланади.

Бундан ташқари, тадбирда 2009 йили ёшлар ўртасида ўтказиладиган Европа чемпионати тақвимиға ҳам ўзгартириш киритилди. Янги тақвимға қўра, қўтға биринчилиги 2009 йилнинг 15 — 29 июнь кўнлари Швейцарияда бўлиб ўтади.

Шаҳобиддин РАСУЛОВ

Билдирув

ХўРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

«Hurriyat» газетаси тахририяти Матбуотчилар уйига қўчди. Шу муносабат билан янги манзилимизни маълум қиламиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 6-қават. Телефон: 136-53-31, 136-75-15. Тел-факс: 136-53-38. Реклама ва маркетинг бўлими: 136-56-38. Мўлжал: метронинг Амир Темур хивони бекати ёки «Зарафшон» концерт зали. Хат ва телеграммаларни қўйидаги почта манзилиға жўнатишингизни сураймиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, «Hurriyat» газетаси тахририятиға.

Нодир ҳикоятлар

Низомий Арузий САМАРҚАНДИЙ

Қайта тирилган қассоб

Урта аср Шарқ ренессанси илоҳий ва дунёвий илмларининг ҳамма соҳасида ҳам шарқ донолигини намойён қиладими, йўқми буни айтиш қийин. Аммо, бу давр Шарқнинг бетакрор истеъдодлари ҳаётидан гўзал ёднамалар, ривоятлар, афсоналар, нақллар, нодир ҳикоятлар қолди. Бугун Ватандошимиз Низомий Арузий Самарқандийнинг «Нодир ҳикоятлар»-дан эйтиборингизға ҳавола қиламиз.

Малик шох подшолиғи даврида ҳамда Султон Санжар подшолиғининг маълум мuddатларида Ҳиротда бир файласуф ва қучли табиби киши яшарди. Уни Адиб Исмоил деб аташарди. У бағоят улуг, фозил ва қомил киши эди. Унинг молу мулки ва машаати табиблиқдан келадиган даромад ҳисобига эди. У киши ўз даврида қўллаб нодир муолажаларни амалға оширган эди.

Бир кун у мол сўйиб сотиладиган бозор олдида ўтиб борарди. Бир қассоб қўйинг ичинини тозалаётганини, гоҳ-гоҳ қўйнинг қорниға қўл текиб, иссиқ чарвисидан узиб олиб еяётганини кўриб қолди. Хожя Исмоил қассобнинг қаршисидаги жойлашган дўкондаги баққолға: «Мана бу қассоб ўлган кўни дафн қилмасларидан аввал, менға хабар қил!» деди. Баққол унга «Хўп бўлади», деб жавоб берди.

Бу воқеадан беш-олти ой ўтган, бир кўни тонг пайтидан «Фалон қассоб кечаси на касал ва на бетоб бўлмай, қўқисдан ўлиб қопти!», деган хабар тарқалди. Баққол ҳам таъзияға ке-

либ, ёқаларини чоқ қилиб йиғлаётган ҳамда «Еш эди, гўдақ болалари бор эди», дея афсус чекиб турган одамларни кўрди. Шу вақт баққолнинг ёдига Хожя Исмоилнинг гапи тушди ва чоғиб бориб унга хабар қилди. Хожя Исмоил: «Хали ҳам анча яшабди!» деди. Сўнғ ҳассасини қўлиға олиб қассобнинг уйига етиб келди. У ўлиқнинг юзидаги пардани кўтариб, кейин унинг томирини ушлади-да, сўнғ бир қишиға мурданнинг оёғи остиға ҳасса билан уришни буюрди. Бироз ўтган, «Етарли», деди. Сўнғ сакта иллатига қилинадиган давони қўллаб бошлади. Учинчи кўни ўлик ўзига келди ва шол бўлиб қолган бўлса-да, узоқ яшайди.

Одамлар буни кўриб таажубда қолдилар. Бу улуг зот эса қассобнинг «сакта» касаллиғига йўлиқшини олдиндан билган эди.

Мазкур Хожя Исмоилни ҳиротликлар пири, Шайхулислос Абдуллоҳ Ансорий ҳеч кўра олмас эди. Неча марта уни йўқотишға қасд қилган, китобларини эса ёқиб юборган эди. Бу қўролмас-

лик диний нуқтаи назардан бўлиб, ҳиротликлар мазкур табибға ўлиқни ҳам тириштириди, деб эйтиқод қўйишган, бу эйтиқод эса авомларға зиён эди.

Кўнлардан бир кўн шайх касал бўлиб қолди. Касал асносида уни ҳижичок тутта бошлади. Табиблар қанча уринишмасин, ҳеч иложи бўлмади. Охири умидсизликка тушдилар. Чорасизликдан унинг пешобини олиб, шайхники эканлигини айтмаган ҳолда, унинг сўраб хожаниннг олдиға юбордилар. Хожя Исмоил пешобини кўриб «Бу фалончининг пешоби, уни ҳижичок тутган, давосига ожизлик қилганлар! Шайхға айтинлар, бир истор писта магзининг пўстини бир истор шакар билан туйиб, ичинлар — шу билан тузалади. Яна унга айтиб қўйинлар: китоб кўйдириш эмас, илм ўрганиш керак», деди.

Табиб айтган икки нарсадан талқон дори тайёрладилар. Шайх уни ичган, дарҳол ҳижичоғи тўхтади ва ором топди.

(сакта — мия инсулти, аполлексия), (истор — вазн бирлиги, 4,5 мисқол — 21 грамм).

Шафоат Раҳматулло Термизий тайёрлади.

Хангома

«Эсидан чикмас экан-да...»

Раҳим домла қўшнисидан арра олиб ишлатади. Бежирим, энгил, бунинг устиға кескир бу асбоб унга шу қадар ёқиб қоладики, эгасига қайтиб бермасан-чи, деган ўй миёсида чарх уради. Шундай қилиб, у «қўшнимнинг эсидан чиқиб кетар», — дея ўйлаб, анча вақт индамай юради. Анчадан сўнғ «эсидан чиқди-ёв», деган илнж-да секин қўшнисидан сўрайди: — Ҳамсоа шу... сиздан бир арра олувдим, эсингиздан ҳам чиқиб кетгандир?

— Э... ҳа, сал бўлмаса хаёлимдан кўтарилбди. Майли ишингиз бўлса ишлатаверинг.

Раҳим домланиннг дами ичига тушиб кетди... «Жин урсин! Яна бироз индамай юрсам бўларкан, обдон эсидан чикаркан», дея ўзини қойийди. Сўнғ «Нима бўлса бўлар» дея яна анча вақт жим юраверди. Қараса, орадан бир неча ой ўтса ҳамки, қўшниси аррани сўрамайди. «Ҳа, анча эсидан чиққан рости». У қўшниси билан қўришаётди, секин гап бошлади: — Аррангизни олганим эсингиздами, шуни сизға қачон қайтарганим?

— Нима? Аррани ҳали қайтарганиннгиз йўқ-ку. Эсинда турибди. Ишингизни тугатинг, дея қўтиб юрибман. Раҳим домланиннг фиғони фалакка чиқди. «Ҳаётимда биронинг нарсасини бир ўзлаштирмақчи эдим, уям бўлмади. Бу қўрмағурнинг миёси қанақа ўзи? Ҳеч эсидан чиқмас экан, чиқмас экан-да», дейди ва шартта уйига кириб, аррани олиб «зикна» қўшнисига қайтариб беради.

Марат ШАРИФ